

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc27.06.2017/ҒМ 01.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ
МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

АЗАМОВ СИРОЖ СОБИРОВИЧ

**$K_2^{\overline{m,m-2}}$ ФАЗОДА ТАҚРИБИЙ ИНТЕГРАЛЛАШ ФОРМУЛАСИНИНГ
ХАТОЛИК ФУНКЦИОНАЛИ НОРМАСИНИ МИНИМИЗАЦИЯЛАШ**

**01.01.03 – Ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика
(физика-математика фанлари)**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-
mathematical sciences**

Азамов Сирож Собирович

$K_2^{m,m-2}$ фазода тақрибий интеграллаш формуласининг хатолик
функционали нормасини минимизациялаш. 3

Азамов Сирож Собирович

Минимизация нормы функционала погрешности формулы
приближённого интегрирования в пространстве $K_2^{m,m-2}$ 19

Azamov Siroj Sobirovich

Minimization of the norm of the error functional for formulas of numerical
integration in the space $K_2^{m,m-2}$ 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 38

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc27.06.2017/ҒМ 01.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ
МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

АЗАМОВ СИРОЖ СОБИРОВИЧ

**$K_2^{\overline{m,m-2}}$ ФАЗОДА ТАҚРИБИЙ ИНТЕГРАЛЛАШ ФОРМУЛАСИНИНГ
ХАТОЛИК ФУНКЦИОНАЛИ НОРМАСИНИ МИНИМИЗАЦИЯЛАШ**

**01.01.03 – Ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика
(физика-математика фанлари)**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/FM162 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси фанлар Академияси В.И.Романовский номидаги Математика институти ва Тошкент темир йўл муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://ik-fizmat.nuu.uz/>) ва «Ziynet» таълим ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шадиметов Холматвай Маҳкамбаевич
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Алоев Раҳматилло Джураевич
физика-математика фанлари доктори, профессор

Раимова Гулнора Мирвалиевна
физика-математика фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc27.06.2017/FM 01.02 рақамли Илмий кенгашнинг «___»_____ 2018 йил соат___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Р. Марахимов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

З.Р. Раҳмонов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д.

З.Х. Юлдашев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар натижасида вужудга келадиган математик физиканинг муаммолари аксарият ҳолларда интеграл ва дифференциал тенгламалар назарияси масалаларига келтирилади. Бу масалаларни тақрибий ечиш учун қўлланиладиган методлар ҳисоблаш математикаси соҳаси тадқиқотларининг объектидир. Бундай методларни яратишда квадратур ва кубатур формулалар назарияси асос сифатида хизмат қилади. Катта ҳажмдаги ҳисоблашларда интегралларни тақрибий ҳисоблаш жараёнини оптималлаштириш, агар ҳисоблашлар квадратур ва кубатур формулалар ёрдамида амалга оширилса, формулаларнинг ўзини оптималлаштириш зарур бўлади. Шунинг учун квадратур ва кубатур формулаларни оптималлаштириш ҳамда уларнинг хатолик функционали нормасининг минимумини топиш масаласи муҳим вазифалардан бири бўлиб келмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда интегралларни тақрибий ҳисоблаш учун дифференциалланувчи функцияларнинг турли фазоларида оптимал квадратур формулалар куриш ҳисоблаш математикасининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу масала дифференциал ва интеграл тенгламаларни тақрибий-аналитик ечимлари билан узвий боғлиқ бўлиб, тақрибий интеграллаш назариясида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада: интегралларни тақрибий ҳисоблаш учун асимптотик оптимал, тартиб бўйича оптимал ва оптимал квадратур формулалар куриш ҳамда турли гильберт ва банах фазоларида уларнинг хатоликларини баҳолаш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий тадбиқига эга бўлган математик физика, дискрет ва ҳисоблаш математикасининг долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди. Шу жумладан, турли фазоларда оптимал квадратур ва кубатур формулалар куриш ва уларнинг хатоликларини баҳолаш, бир ва кўп ўзгарувчили, даврий ва даврий бўлмаган функцияларнинг Соболев фазоларида регуляр ва сингуляр интегралларни тақрибий ҳисоблаш учун инвариант, панжарали оптимал кубатур формулаларни куришда муҳим натижаларга эришилди. «Функционал анализ, математик физика, динамик системалар назарияси, амалий ва ҳисоблаш математика» каби фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланади¹. Қарорни ижросини таъминлашда интегралларни тақрибий ҳисоблаш ва дифференциалланувчи функцияларнинг турли фазоларида уларнинг хатоликларини баҳолаш учун оптимал квадратур формулалар назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 292-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги ПҚ-916-сон «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2017 йил 8 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сонли интеграллаш усуллари аниқ интегралларни тақрибий ҳисоблашнинг умумийроқ усуллариандир. Сонли интеграллаш назариясида классик, эҳтимолли ва функционал ёндашишлар мавжуд. Сонли интеграллаш формулаларини куришнинг классик ва эҳтимолли ёндашишлар бўйича С.Л.Соболев, Н.С.Бахвалов, С.М.Ермаков, В.И.Крылов, И.П.Мысовских, В.И.Лебедев, В.И.Половинкин, М.Д.Рамазанов, R.Cools, E.Novak, H.Wozniakowski, A.H.Stroud, Г.Н.Салихов, G.V.Milovanovic, И.М.Соболь, Н.Н.Ченцов, Г.А.Михайлов, М.В.Носков, В.Л.Васкевич, М.И.Исраилов, Т.Х.Шарипов, А.С.Расулов, С.Ш.Шушбаев, Г.П.Исматуллаев, Э.А.Шамсиев, З.К.Эшқуватов каби олимлар илмий изланишлар олиб боришган.

Сонли интеграллаш формулаларини куришнинг функционал ёндашишида оптимал квадратур ва кубатур формулалар куришнинг Соболев усули чизиқли дифференциал операторларнинг дискрет аналогларига асосланади. Дастлаб бу метод $L_2^{(m)}$ фазосида оптимал кубатур формулалар куриш учун С.Л.Соболев томонидан таклиф қилинган. $L_2^{(m)}$ фазосида панжарали оптимал формулаларни куриш муаммосини С.Л.Соболев Винер-Хопф типигаги дискрет системани ечишга келтирган ва бу система ечимининг мавжудлиги ва ягоналигини исботлаган, шу билан бирга кубатур формулаларнинг оптимал коэффициентларини топиш учун алгоритм таклиф қилган.

$L_2^{(m)}$ фазосида С.Л.Соболев томонидан таклиф қилинган алгоритмни амалга ошириш билан З.Ж.Жамалов, Ф.Я.Загирова ва Х.М.Шадиметовлар шуғулланишган. Полигармоник операторнинг дискрет аналогини куриш ва унинг хоссаларини ўрганиш билан дастлаб С.Л.Соболев шуғулланган. Бир ўлчовли ҳолда бу дискрет операторнинг кўриниши $m-1$ та номаълум коэффициентлар аниқлигида З.Ж.Жамалов томонидан қурилган. Х.М.Шадиметов томонидан эса d^{2m}/dx^{2m} дифференциал операторнинг дискрет аналогини тўлиқ қурилган. Кейинчалик Х.М.Шадиметов ва

А.Р.Хаётовларнинг ишларида дифференциал операторларнинг дискрет аналогларидан фойдаланиб дифференциалланувчи функцияларнинг турли фазоларида вазнли оптимал квадратур формулалар курилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ЎзР ФА В.И.Романовский номидаги Математика институтининг Ф4-ФА-Ф013 «Ноассоциатив ва операторлар алгебралари, динамик системалар, ҳамда уларнинг статистик физика ва популяцион биологияга тадбиқлари» (2012-2016), ОТ-Ф4-86 «Гильберт фазоларида дифференциал ва интеграл тенгламаларни тақрибий ечиш учун оптимал методлар ишлаб чиқиш» мавзуларидаги илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади $K_2^{m,m-2}$ фазосида алгебраик, тригонометрик кўпхадлар ва экспоненциал функциялар учун аниқ бўлган оптимал квадратур формулалар коэффицентларини ошкор топишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

$K_2^{m,m-2}$ фазосида кадатур формулаларнинг экстремал функциясини топиш;

алгебраик, тригонометрик кўпхадлар ва экспоненциал функциялар учун аниқ бўлган квадратур формулаларнинг хатолик функционали нормасини ҳисоблаш;

хатолик функционали нормасини коэффицентлар бўйича минималлаштириш;

алгебраик, тригонометрик кўпхадлар ва экспоненциал функциялар учун аниқ бўлган оптимал квадратур формуланинг мавжуд ва ягоналигини исботлаш;

$\frac{d^{2m}}{dx^{2m}} + \frac{d^{2m-2}}{dx^{2m-2}} + \frac{d^{2m-4}}{dx^{2m-4}}$ дифференциал операторнинг дискрет аналогларини куриш;

$K_2^{m,m-2}$ фазосида оптимал квадратур формулаларнинг коэффицентларини топиш;

Тадқиқотнинг объекти дифференциал операторларнинг дискрет аналоглари, аниқ интегралларни тақрибий ҳисоблаш учун квадратур формулалар, хатолик функционалларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети экстремал функциялар, алгебраик, тригонометрик кўпхадлар ва экспоненциал функциялар учун аниқ бўлган оптимал квадратур формулалар, оптимал квадратур формулаларнинг хатолик функционали нормаларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида ҳисоблаш математикаси, функционал анализ, ҳамда дифференциал тенгламалар, умумлашган функциялар, дискрет аргументли функциялар назарияси усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

$K_2^{m,m-2}$ гильберт фазосидаги квадратур формулалар хатолик функционалининг экстремал функцияси топилган;

квадратур формулалар хатолик функционалининг нормаси ҳисобланган;
 $K_2^{\overline{m,m-2}}$ фазосида оптимал квадратур формуланинг мавжуд ва ягоналиги исботланган;

$\frac{d^{2m}}{dx^{2m}} + \frac{d^{2m-2}}{dx^{2m-2}} + \frac{d^{2m-4}}{dx^{2m-4}}$ дифференциал операторнинг дискрет аналоглари қурилган ва уларнинг хоссалари исботланган;

алгебраик, тригонометрик кўпхадлар ва экспоненциал функциялар учун аниқ бўлган оптимал квадратур формулалар коэффицентларининг ошкор шакллари топилган;

$K_2^{\overline{2,0}}$ фазосида оптимал хатолик функционалининг нормаси ҳисобланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси. Қурилган оптимал квадратур формулалар интегралларни етарлича аниқликда тақрибий ҳисоблаш ва янги кубатур формулалар олишда қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги квадратур формулалар назарияси, ҳисоблаш математикаси, функционал анализ, дискрет аргументли функциялар назарияси методларини қўлланилганлиги, ҳамда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти $K_2^{\overline{m,m-2}}$ гильберт фазосида алгебраик, тригонометрик кўпхадлар ва экспоненциал функциялар учун аниқ бўлган оптимал квадратур формулалар қуриш методининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қурилган оптимал квадратур формулалар регуляр интегралларни сонли ҳисоблашга ҳамда интеграл тенгламаларни тақрибий ечишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тақрибий интеграллаш формулаларининг хатолик функционали нормасини минималлаштиришда олинган натижалар қуйидаги йўналишларда амалиётга жорий қилинган:

$\frac{d^4}{dx^4} + \frac{d^2}{dx^2} + 1$ дифференциал операторнинг қурилган дискрет аналоглари PPP-FST-14915-00 рақамли «Modified Adomian Decomposition Method For Nonlinear Fredholmvolterra Inregro-Differential Equations» хорижий грант лойиҳасида $K_2^{\overline{2,0}}$ фазосида квадратур формулалар қуришда қўлланилган (Малайзия Ислом фан университетининг 2018 йил 5 июндаги маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши чизиксиз Фредгольм-Вольтерра интегро-дифференциал тенгламалари учун қўйилган чегаравий масалаларни ечиш имконини берган;

$K_2^{\overline{3,1}}$ фазосида интегралларни тақрибий ҳисоблаш учун қурилган оптимал квадратур формуласи Ф2-ФА-0-83921/Ф2-ФА-Ф0383 рақамли «Ўтказгичлар ва магнит материалларида кучли ўзаро боғлиқлик ва уларнинг критик параметрларини ҳисоблаш» фундаментал грант лойиҳасида поляризатор-намуна-анализатор системадан ўтган ёруғлик интенсивлигини магнит майдони ориентациясига боғлиқлигини оптимал яқинлаштиришда

фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 89-03-1578-сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши ёруғлик интенсивлигини магнит майдони ориентациясига боғлиқлигини оптимал яқинлаштишини баҳолашга имкон берган;

$K_2^{2,0}$ фазосида интегралларни тақрибий ҳисоблаш учун қурилган оптимал квадратур формуласи Ф-4-14 рақамли «Суюқлик оқувчи ер ости эгри чизикли қувурнинг ташқи кучлари таъсиридаги кучланиш-деформациялар ҳолатини тадқиқ қилиш назариясини ривожлантириш ва ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқиш» фундаментал грант лойиҳасида ностационар тўлқинлар таъсиридаги грунт билан алоқада бўлган эгри чизикли қувурнинг кучланиш-деформация ҳолатини ўрганишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 2 майдаги 89-03-1626-сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши эгри чизикли қувурнинг кучланиш деформациясини ҳолатини оптимал баҳолашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.

Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий ва 6 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.

Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 100 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг « $K_2^{m,m-2}$ фазосида квадратур формулалар хатолик функционали нормаси» деб номланган биринчи бобида $K_2^{m,m-2}$ фазосида Сард маъносида оптимал квадратур формулалар қуриш масаласи қўйилган ва

бу масаланинг биринчи қисми ечилган. Бунинг учун қуйидаги квадратур формула қаралган

$$\int_0^1 \varphi(x) dx \cong \sum_{\beta=0}^N C_{\beta} \varphi(x_{\beta}), \quad (1)$$

бунда C_{β} ва x_{β} ($x_{\beta} \in [0,1]$) лар (1) квадратур формуланинг коэффициентлари ва тугун нуқталари дейилади, N – фиксирланган натурал сон, φ эса

$$\|\varphi\|_{K_2^{\overline{m,m-2}}} = \left\{ \int_0^1 \left[P_m \left(\frac{d}{dx} \right) \varphi(x) \right]^2 dx \right\}^{\frac{1}{2}} \quad (2)$$

норма билан таъминланган

$$K_2^{\overline{m,m-2}} = \{ \varphi : [0,1] \rightarrow R \mid \varphi^{(m-1)} - \text{абсолют узлуксиз}, \varphi^{(m)} \in L_2(0,1) \},$$

гильберт фазосининг элементи бунда $P_m \left(\frac{d}{dx} \right) = \frac{d^m}{dx^m} + \frac{d^{m-1}}{dx^{m-1}} + \frac{d^{m-2}}{dx^{m-2}}$ ва

$\int_0^1 \left[P_m \left(\frac{d}{dx} \right) \varphi(x) \right]^2 dx < \infty$. (2) тенглик ярим норма бўлиб, $\|\varphi\|=0$ фақат ва фақат

$\varphi(x) = b_1 e^{-\frac{1}{2}x} \cos \frac{\sqrt{3}}{2}x + b_2 e^{-\frac{1}{2}x} \sin \frac{\sqrt{3}}{2}x + P_{m-3}(x)$ бўлганда, бунда $P_{m-3}(x)$ – $m-3$ даражали кўпхад.

Интеграл ва квадратур йиғинди орасидаги қуйидаги айирма

$$\int_0^1 \varphi(x) dx - \sum_{\beta=0}^N C_{\beta} \varphi(x_{\beta}) = (l_N, \varphi) = \int_R l_N(x) \varphi(x) dx \quad (3)$$

(1) – квадратур формуланинг хатолиги дейилади, ҳамда бу айирмага

$$l_N(x) = \varepsilon_{[0,1]}(x) - \sum_{\beta=0}^N C_{\beta} \delta(x - x_{\beta}), \quad (4)$$

кўринишга эга хатолик функционали мос келади.

Бунда $\varepsilon_{[0,1]}(x)$ – $[0,1]$ кесмасининг характеристик функцияси, ҳамда $\delta(x)$ – Диракнинг дельта-функцияси.

Фараз қилайлик, (1) – квадратур формуланинг x_{β} тугун нуқталари фиксирланган бўлсин.

$K_2^{\overline{m,m-2}}$ фазосида оптимал квадратур формулалар куриш масаласи бу қуйидаги катталиқни ҳисоблашдир

$$\left\| l_N \right\|_{K_2^{\overline{m,m-2}*}} = \inf_{C_{\beta}} \sup_{\varphi, \|\varphi\| \neq 0} \frac{|(l_N, \varphi)|}{\|\varphi\|_{K_2^{\overline{m,m-2}}}}, \quad (5)$$

бунда $K_2^{\overline{m,m-2}*}$ – бу $K_2^{\overline{m,m-2}}$ фазосига қўшма фазо.

Бу масала қуйида саналган икки қисмдан иборат.

1-Масала. $K_2^{\overline{m,m-2}*}$ фазосида l_N хатолик функционали нормаси $\|l_N\|$ ни ҳисоблаш.

2-Масала. x_{β} тугун нуқталар фиксирланганда l_N хатолик функционали нормаси $\|l_N\|$ нинг C_{β} коэффициентлар бўйича минимумини топиш.

Биринчи бобнинг биринчи параграфида 1–масала ечилган, яъни (4) – хатолик функционалининг $\|l_N\|$ нормаси ҳисобланган. Бунинг учун l_N хатолик функционалининг экстремал функцияси ишлатилган.

Қуйидаги тенгликни қаноатлантирувчи ψ_l функцияга l_N хатолик функционалининг экстремал функцияси дейилади

$$(l_N, \psi_l) = \|l_N\| \cdot \|\psi_l\|. \quad (6)$$

$K_2^{\overline{m, m-2}}$ фазо гильберт фазоси бўлгани учун чизикли узлуксиз функционалнинг умумий кўриниши ҳақидаги Рисс теоремасидан $K_2^{\overline{m, m-2}}$ фазосида қуйидаги тенгликни қаноатлантирувчи ягона ψ_l функция мавжуд

$$(l_N, \varphi) = \langle \psi_l, \varphi \rangle \quad (7)$$

ва $\|l_N\| = \|\psi_l\|$, бунда $\langle \psi_l, \varphi \rangle$ – бу ψ_l ва φ иккита функциянинг $K_2^{\overline{m, m-2}}$ фазосидаги скаляр кўпайтмаси. Бу фазода $\langle \psi_l, \varphi \rangle$ скаляр кўпайтма қуйидагича аниқланади

$$\langle \psi_l, \varphi \rangle = \int_0^1 (\psi_l^{(m)}(x) + \psi_l^{(m-1)}(x) + \psi_l^{(m-2)}(x)) (\varphi^{(m)}(x) + \varphi^{(m-1)}(x) + \varphi^{(m-2)}(x)) dx.$$

ψ_l экстремал функция учун (7) тенгламанинг ечими қуйидаги тенгламанинг ечимига келтирилган

$$\psi_l^{(2m)}(x) + \psi_l^{(2m-2)}(x) + \psi_l^{(2m-4)}(x) = (-1)^m l_N(x) \quad (8)$$

бунда

$$\left[\psi_l^{(2m-i)}(x) + \psi_l^{(2m-2-i)}(x) + \psi_l^{(2m-4-i)}(x) \right]_{x=0}^{x=1} = 0, \quad i = \overline{1, m-2}, \quad (9)$$

$$\left[\psi_l^{(m+1)}(x) - \psi_l^{(m-2)}(x) \right]_{x=0}^{x=1} = 0, \quad (10)$$

$$\left[\psi_l^{(m)}(x) + \psi_l^{(m-1)}(x) + \psi_l^{(m-2)}(x) \right]_{x=0}^{x=1} = 0 \quad (11)$$

чегаравий шартлар ўринли.

Қуйидаги исботланган

Теорема 1. (8)–(11) чегаравий масаланинг ечими (1) – квадратур формула хатолик функционали l_N нинг ψ_l экстремал функцияси ва у қуйидаги кўринишга эга

$$\psi_l(x) = (-1)^m (l_N * G_m)(x) + b_1 e^{-\frac{1}{2}x} \cos \frac{\sqrt{3}}{2}x + b_2 e^{-\frac{1}{2}x} \sin \frac{\sqrt{3}}{2}x + P_{m-3}(x),$$

бунда

$$G_m(x) = \frac{\operatorname{sign} x}{2} \begin{cases} \sum_{j=0}^{n-1} \frac{x^{6j+1}}{(6j+1)!} - \sum_{j=1}^{n-1} \frac{x^{6j-1}}{(6j-1)!} - \frac{2}{\sqrt{3}} \sin \frac{\sqrt{3}}{2}x \cdot \operatorname{ch} \frac{x}{2}, & m = 3n, n = 1, 2, \dots, \\ \sum_{j=0}^{n-1} \frac{x^{6j+3}}{(6j+3)!} - \sum_{j=0}^{n-1} \frac{x^{6j+1}}{(6j+1)!} + \frac{1}{\sqrt{3}} \sin \frac{\sqrt{3}}{2}x \cdot \operatorname{ch} \frac{x}{2} + \cos \frac{\sqrt{3}}{2}x \cdot \operatorname{sh} \frac{x}{2}, & m = 3n+1, n = 1, 2, \dots, \\ \sum_{j=0}^{n-1} \frac{x^{6j+5}}{(6j+5)!} - \sum_{j=0}^{n-1} \frac{x^{6j+3}}{(6j+3)!} + \frac{1}{\sqrt{3}} \sin \frac{\sqrt{3}}{2}x \cdot \operatorname{ch} \frac{x}{2} - \cos \frac{\sqrt{3}}{2}x \cdot \operatorname{sh} \frac{x}{2}, & m = 3n+2, n = 0, 1, \dots, \end{cases} \quad (12)$$

b_1, b_2 – ихтиёрий ҳақиқий сонлар, $P_{m-3}(x)$ – ихтиёрий $m-3$ - даражали кўпхад.

Кейин, шу экстремал функция ёрдамида l_N хатолик функционали нормасининг квадрати учун қуйидаги ифода топилган

$$\|l_N\|^2 = (-1)^m \left[\sum_{\beta=0}^N \sum_{\gamma=0}^N C_\beta C_\gamma G_m(x_\beta - x_\gamma) - 2 \sum_{\beta=0}^N C_\beta \int_0^1 G_m(x - x_\beta) dx + \int_0^1 \int_0^1 G_m(x - y) dx dy \right]. \quad (13)$$

l_N функционал $K_2^{\overline{m,m-2}}$ фазода аниқланганлиги учун унга

$$\left(l_N, e^{\frac{1}{2}x} \cos \frac{\sqrt{3}}{2} x \right) = 0, \quad \left(l_N, e^{\frac{1}{2}x} \sin \frac{\sqrt{3}}{2} x \right) = 0, \quad (l_N, x^\alpha) = 0, \quad \alpha = 0, 1, \dots, m-3$$

шартлар қўйилади. Бу курган квадратур формуламиз

$$x^\alpha, \quad \alpha = 0, 1, \dots, m-3, \quad e^{\frac{1}{2}x} \cos \frac{\sqrt{3}}{2} x, \quad e^{\frac{1}{2}x} \sin \frac{\sqrt{3}}{2} x$$

функцияларга аниқ бўлишини билдиради.

Кейин, 1.3 – параграфда $\overset{\circ}{C}_\beta$ оптимал коэффицентлар учун чизикли тенгламалар системаси олинган. Бу система ечими мавжуд ва ягоналиги исботланган. Ҳамда бу ечим l_N хатолик функционали нормасининг квадратиға минимум бериши исботланган.

Оптимал коэффицентлар учун олинган дискрет системани ечиш алгоритми келтирилган.

$K_2^{\overline{m,m-2}}$ фазосида оптимал квадратур формулалар қуриш $\frac{d^{2m}}{dx^{2m}} + \frac{d^{2m-2}}{dx^{2m-2}} + \frac{d^{2m-4}}{dx^{2m-4}}$ дифференциал оператор дискрет аналогини қуришга

боғлиқ. Шунинг учун диссертациянинг « $\frac{d^{2m}}{dx^{2m}} + \frac{d^{2m-2}}{dx^{2m-2}} + \frac{d^{2m-4}}{dx^{2m-4}}$ **операторнинг дискрет аналоглари ва уларнинг хоссалари**» деб номланган иккинчи боби $\frac{d^{2m}}{dx^{2m}} + \frac{d^{2m-2}}{dx^{2m-2}} + \frac{d^{2m-4}}{dx^{2m-4}}$ операторнинг дискрет аналогларини қуришга бағишланган.

Қуйидаги тенгламанинг $D_m(h\beta)$ ечими $\frac{d^{2m}}{dx^{2m}} + \frac{d^{2m-2}}{dx^{2m-2}} + \frac{d^{2m-4}}{dx^{2m-4}}$ дифференциал операторнинг дискрет аналогини дейилади

$$D_m(h\beta) * G_m(h\beta) = \delta(h\beta). \quad (14)$$

Бу ерда $G_m(h\beta)$ – (12) – тенглик билан аниқланган $G_m(x)$ функцияға мос дискрет функция, $\delta(h\beta)$ -дискрет дельта-функция, $\beta = 0$ да 1 га ва $\beta \neq 0$ да 0 га тенг. (12) дан $D_m(h\beta)$ дискрет функцияни қуришимиз учун биз $m = 3n + 2$, $n = 0, 1, 2, \dots$, $m = 3n$, $n = 1, 2, \dots$, $m = 3n + 1$, $n = 1, 2, \dots$ ҳолларни қарашимиз кераклиги кўринади. Бу бобнинг дастлабки учта параграфларида шу учта ҳолға мос келадиган дискрет аналоглар қурилган.

2.1-параграфда $\frac{d^{6n+4}}{dx^{6n+4}} + \frac{d^{6n+2}}{dx^{6n+2}} + \frac{d^{6n}}{dx^{6n}}$ операторнинг $m = 3n + 2$,

$n = 0, 1, \dots$ ҳолга мос келувчи дискрет аналоглари қурилган.

Бу ҳолда (14) – тенглама қуйидаги кўринишга эга

$$D_{3n+2}(h\beta) * G_{3n+2}(h\beta) = \delta(h\beta), \quad (15)$$

бунда

$$G_{3n+2}(x) = \frac{\text{sign} x}{2} \left(\sum_{j=0}^{n-1} \frac{x^{6j+5}}{(6j+5)!} - \sum_{j=0}^{n-1} \frac{x^{6j+3}}{(6j+3)!} + \frac{1}{\sqrt{3}} \sin \frac{\sqrt{3}}{2} x \cdot \text{ch} \frac{x}{2} - \cos \frac{\sqrt{3}}{2} x \cdot \text{sh} \frac{x}{2} \right).$$

Қуйидаги теорема ўринлидир.

Теорема 2. $\frac{d^{6n+4}}{dx^{6n+4}} + \frac{d^{6n+2}}{dx^{6n+2}} + \frac{d^{6n}}{dx^{6n}}$ дифференциал операторнинг $D_{3n+2}(h\beta)$

(15)-тенгликни қаноатлантирувчи дискрет аналоглари қуйидаги кўринишга эга:

$$D_{3n+2}(h\beta) = \frac{1}{p_{6n+2}^{(6n+2)}} \begin{cases} \sum_{k=1}^{3n+1} A_k \lambda_k^{|\beta|-1}, & |\beta| \geq 2; \\ 1 + \sum_{k=1}^{3n+1} A_k, & |\beta| = 1; \\ P + \sum_{k=1}^{3n+1} \frac{A_k}{\lambda_k}, & \beta = 0, \end{cases}$$

бунда

$$\begin{aligned} P &= -4 \text{ch} \frac{h}{2} \cdot \cos \frac{\sqrt{3}}{2} h - 6n - \frac{p_{6n+1}^{(6n+2)}}{p_{6n+2}^{(6n+2)}}, \\ A_{k,1} &= \frac{H_4(\lambda_k) \cdot (\lambda_k - 1)^{6n} \cdot p_{6n+2}^{(6n+2)}}{\lambda_k \cdot P'_{6n+2}(\lambda_k)}, \\ P_{6n+2}(\lambda) &= \sum_{s=0}^{6n+2} p_s^{(6n+2)} \lambda^s = \left[K_1 \lambda^2 - \left(\text{sh}(h) - \frac{1}{\sqrt{3}} \sin(\sqrt{3}h) \right) \lambda + K_1 \right] (1 - \lambda)^{6n} + \\ &+ H_4(\lambda) \left[\sum_{k=0}^{n-1} \frac{h^{6k+5} (1 - \lambda)^{6(n-k-1)} E_{6k+4}(\lambda)}{(6k+5)!} - \sum_{k=0}^{n-1} \frac{h^{6k+3} (1 - \lambda)^{6(n-k)-4} E_{6k+2}(\lambda)}{(6k+3)!} \right] \\ K_1 &= \frac{1}{\sqrt{3}} \text{ch}\left(\frac{h}{2}\right) \cdot \sin\left(\frac{\sqrt{3}}{2} h\right) - \text{sh}\left(\frac{h}{2}\right) \cdot \cos\left(\frac{\sqrt{3}}{2} h\right), \\ H_4(\lambda) &= \lambda^4 - 4 \text{ch}\left(\frac{h}{2}\right) \cos\left(\frac{\sqrt{3}}{2} h\right) \lambda^3 + \\ &+ 2 \left(1 + \text{ch}(h) + \cos(\sqrt{3}h) \right) \lambda^2 - 4 \text{ch}\left(\frac{h}{2}\right) \cos\left(\frac{\sqrt{3}}{2} h\right) \lambda + 1, \end{aligned} \quad (16)$$

$p_{6n+2}^{(6n+2)}$, $p_{6n+1}^{(6n+2)}$ лар $P_{6n+2}(\lambda)$ кўпхаднинг коэффициентлари, λ_k эса $P_{6n+2}(\lambda)$ кўпхаднинг илдизлари, $|\lambda_k| < 1$, $E_k(\lambda)$ - Эйлернинг k - даражали кўпхади.

2.2- параграфда $\frac{d^{6n}}{dx^{6n}} + \frac{d^{6n-2}}{dx^{6n-2}} + \frac{d^{6n-4}}{dx^{6n-4}}$ операторнинг $m = 3n$, $n = 1, 2, \dots$

ҳолга мос келувчи дискрет аналоглари қурилган. Бунда (14) – тенглама қуйидагича

$$D_{3n}(h\beta) * G_{3n}(h\beta) = \delta(h\beta), \quad (17)$$

бу ерда

$$G_{3n}(x) = \frac{\operatorname{sign} x}{2} \left[\sum_{j=0}^{n-1} \frac{x^{6j+1}}{(6j+1)!} - \sum_{j=0}^{n-1} \frac{x^{6j-1}}{(6j-1)!} - \frac{2}{\sqrt{3}} \sin \frac{\sqrt{3}}{2} x \cdot \operatorname{ch} \frac{x}{2} \right].$$

Қуйидаги теорема ўринли.

Теорема 3. $\frac{d^{6n}}{dx^{6n}} + \frac{d^{6n-2}}{dx^{6n-2}} + \frac{d^{6n-4}}{dx^{6n-4}}$ дифференциал операторнинг (17) – тенгликни қаноатлантирувчи $D_{3n}(h\beta)$ дискрет аналоглари қуйидаги кўринишга эга:

$$D_{3n}(h\beta) = \frac{1}{q_{6n-2}^{(6n-2)}} \begin{cases} \sum_{k=1}^{3n-1} A_{k,2} \lambda_k^{|\beta|-1}, & |\beta| \geq 2; \\ 1 + \sum_{k=1}^{3n-1} A_{k,2}, & |\beta| = 1; \\ Q + \sum_{k=1}^{3n-1} \frac{A_{k,2}}{\lambda_k}, & \beta = 0, \end{cases}$$

бунда

$$Q = -4 \operatorname{ch} \frac{h}{2} \cdot \cos \frac{\sqrt{3}}{2} h - 6n + 4 - \frac{q_{6n-3}^{(6n-2)}}{q_{6n-2}^{(6n-2)}},$$

$$A_{k,2} = \frac{H_4(\lambda_k) \cdot (\lambda_k - 1)^{6n-4} \cdot q_{6n-2}^{(6n-2)}}{\lambda_k \cdot Q'_{6n-2}(\lambda_k)},$$

$$Q_{6n-2}(\lambda) = \sum_{s=0}^{6n-2} q_s^{(6n-2)} \lambda^s = (-1)^n \left\{ \left[K_2 \lambda^2 + \frac{2}{\sqrt{3}} \sin(\sqrt{3}h) \lambda + K_2 \right] \cdot (1-\lambda)^{6n-4} + \right. \\ \left. + H_4(\lambda) \left[\sum_{k=0}^{n-1} \frac{h^{6k+1} (1-\lambda)^{6(n-k-1)} E_{6k}(\lambda)}{(6k+1)!} - \sum_{k=1}^{n-1} \frac{h^{6k-1} (1-\lambda)^{6(n-k)-4} E_{6k-2}(\lambda)}{(6k-1)!} \right] \right\}$$

$$K_2 = -\frac{2}{\sqrt{3}} \operatorname{ch}\left(\frac{h}{2}\right) \cdot \sin\left(\frac{\sqrt{3}}{2} h\right),$$

$H_4(\lambda)$ ифода (16) – тенглик билан аниқланади, $q_{6n-2}^{(6n-2)}$, $q_{6n-3}^{(6n-2)}$ – лар $Q_{6n-2}(\lambda)$ кўпхаднинг коэффицентлари, λ_k – лар $Q_{6n-2}(\lambda)$ кўпхаднинг илдизлари, $|\lambda_k| < 1$, $E_k(\lambda)$ – Эйлернинг k – даражали кўпхадлари.

2.3-параграф эса $\frac{d^{6n+2}}{dx^{6n+2}} + \frac{d^{6n}}{dx^{6n}} + \frac{d^{6n-2}}{dx^{6n-2}}$ дифференциал операторнинг $m = 3n + 1$, $n = 1, 2, \dots$ ҳолга мос келувчи дискрет аналогини қуришга бағишланган. У ҳолда (14) – тенглама

$$D_{3n+1}(h\beta) * G_{3n+1}(h\beta) = \delta(h\beta) \quad (18)$$

кўринишга эга, бунда

$$G_{3n+1}(x) = \frac{\operatorname{sign} x}{2} \left(\sum_{j=0}^{n-1} \frac{x^{6j+3}}{(6j+3)!} - \sum_{j=0}^{n-1} \frac{x^{6j+1}}{(6j+1)!} + \frac{1}{\sqrt{3}} \sin \frac{\sqrt{3}}{2} x \cdot \operatorname{ch} \frac{x}{2} + \cos \frac{\sqrt{3}}{2} x \cdot \operatorname{sh} \frac{x}{2} \right).$$

Қуйидаги ўринли

Теорема 4. $\frac{d^{6n+2}}{dx^{6n+2}} + \frac{d^{6n}}{dx^{6n}} + \frac{d^{6n-2}}{dx^{6n-2}}$ дифференциал операторнинг (18) – тенгликни қаноатлантирувчи $D_{3n+1}(h\beta)$ дискрет аналогини қуйидагича:

$$D_{3n+1}(h\beta) = \frac{1}{r_{6n}^{(6n)}} \begin{cases} \sum_{k=1}^{3n} A_{k,3} \lambda_k^{|\beta|-1}, & |\beta| \geq 2; \\ 1 + \sum_{k=1}^{3n} A_{k,3}, & |\beta| = 1; \\ R + \sum_{k=1}^{3n} \frac{A_{k,3}}{\lambda_k}, & \beta = 0, \end{cases}$$

бунда

$$R = -4 \operatorname{ch} \frac{h}{2} \cdot \cos \frac{\sqrt{3}}{2} h - 6n + 2 - \frac{r_{6n-1}^{(6n)}}{r_{6n}^{(6n)}},$$

$$A_{k,3} = \frac{H_4(\lambda_k) \cdot (\lambda_k - 1)^{6n-2} \cdot r_{6n}^{(6n)}}{\lambda_k \cdot R'_{6n}(\lambda_k)},$$

$$R_{6n}(\lambda) = \sum_{s=0}^{6n-2} r_s^{(6n-2)} \lambda^s = (-1)^{n-1} \left\{ \left[K_3 \lambda^2 - \left(\operatorname{sh}(h) + \frac{1}{\sqrt{3}} \sin(\sqrt{3}h) \right) \lambda + K_3 \right] (1-\lambda)^{6n-2} + \right. \\ \left. + H_4(\lambda) \left[\sum_{k=0}^{n-1} \frac{h^{6k+3} (1-\lambda)^{6(n-k-1)} E_{6k+2}(\lambda)}{(6k+3)!} - \sum_{k=0}^{n-1} \frac{h^{6k+1} (1-\lambda)^{6(n-k)-4} E_{6k}(\lambda)}{(6k+1)!} \right] \right\}$$

$$K_3 = \frac{1}{\sqrt{3}} \operatorname{ch}\left(\frac{h}{2}\right) \cdot \sin\left(\frac{\sqrt{3}}{2} h\right) + \operatorname{sh}\left(\frac{h}{2}\right) \cdot \cos\left(\frac{\sqrt{3}}{2} h\right),$$

$H_4(\lambda)$ ифода (16) – тенглик билан аниқланади, $r_{6n}^{(6n)}, r_{6n-1}^{(6n)}$ лар $R_{6n}(\lambda)$ кўпхаднинг илдизлари, λ_k лар $R_{6n}(\lambda)$ кўпхаднинг илдизлари, $|\lambda_k| < 1$, $E_k(\lambda)$ – Эйлернинг k – даражали илдизлари.

2.4-параграфда $\frac{d^{2m}}{dx^{2m}} + \frac{d^{2m-2}}{dx^{2m-2}} + \frac{d^{2m-4}}{dx^{2m-4}}$ дифференциал операторнинг баъзи хоссалари ўрганилган. Бунда 2.1-2.3 – параграфларда олинган натижалардан фойдаланилган, яъни теорема 2-4 лардан.

Қуйидаги ўринли

Теорема 5. $\frac{d^{2m}}{dx^{2m}} + \frac{d^{2m-2}}{dx^{2m-2}} + \frac{d^{2m-4}}{dx^{2m-4}}$ дифференциал операторнинг

$D_m(h\beta)$ дискрет аналоги қуйидаги тенгликларни қаноатлантиради:

$$1) D_m(h\beta) * e^{\frac{-1}{2}h\beta} \cdot \sin\left(\frac{\sqrt{3}}{2}h\beta\right) = 0,$$

$$2) D_m(h\beta) * e^{\frac{-1}{2}h\beta} \cdot \cos\left(\frac{\sqrt{3}}{2}h\beta\right) = 0,$$

$$3) D_m(h\beta) * e^{\frac{1}{2}h\beta} \cdot \sin\left(\frac{\sqrt{3}}{2}h\beta\right) = 0,$$

$$4) D_m(h\beta) * e^{\frac{1}{2}h\beta} \cdot \cos\left(\frac{\sqrt{3}}{2}h\beta\right) = 0,$$

$$5) D_m(h\beta) * (h\beta)^\alpha = 0, \quad \alpha \leq 2m-5,$$

$$6) D_m(h\beta) * G_m(h\beta) = \delta(h\beta),$$

бунда $G_m(h\beta)$ – дискрет аргументли функция бўлиб, (12) – тенглик билан аниқланган $G_m(x)$ функцияга мос келади, $\delta(h\beta)$ – дискрет дельта-функция.

Диссертациянинг « $K_2^{\overline{m,m-2}}$ фазода оптимал квадратур формулаларнинг коэффицентлари» деб номланган учинчи бобида $K_2^{\overline{m,m-2}}$ фазосида (1) – кўринишдаги оптимал квадратур формулаларнинг коэффицентлари топилган. Бунда иккинчи бобнинг натижаларидан фойдаланилган, яъни $\frac{d^{2m}}{dx^{2m}} + \frac{d^{2m-2}}{dx^{2m-2}} + \frac{d^{2m-4}}{dx^{2m-4}}$ дифференциал операторнинг $D_m(h\beta)$ дискрет аналогларидан фойдаланилган. Бу ерда ҳам биз $m = 3n + 2$ ($n = 0, 1, \dots$), $m = 3n$ ва $m = 3n + 1$ ($n = 1, 2, \dots$) бўлган учта ҳолларни қараймиз. 3.1-3.3 – параграфларда мос равишда бу ҳоллардаги оптимал коэффицентлар топилган.

$m = 3n + 2$ ($n = 0, 1, \dots$) ҳолда (1) – кўринишдаги оптимал квадратур формулаларнинг коэффицентлари учун қуйидаги теорема исботланган.

Теорема 6. $K_2(P_{3n+2})$ фазода (1) – кўринишдаги оптимал квадратур формулалар коэффицентлари $n = 1, 2, \dots$ бўлганда қуйидаги кўринишга эга

$$\overset{\circ}{C}_0 = \frac{h}{2} - \sum_{k=1}^{3n+1} \frac{\lambda_k}{(1-\lambda_k)^2} \left[a_k (h\lambda_k^N - \lambda_k + 1 - h) + b_k (\lambda_k^N - h\lambda_k^N - \lambda_k^{N-1} + h) \right],$$

$$\overset{\circ}{C}_\beta = h + \sum_{k=1}^{3n+1} (a_k \lambda_k^\beta + b_k \lambda_k^{N-\beta}), \quad \beta = \overline{1, N-1},$$

$$\overset{\circ}{C}_N = \frac{h}{2} - \sum_{k=1}^{3n+1} \frac{\lambda_k}{(1-\lambda_k)^2} \left[a_k (\lambda_k^N - h\lambda_k^N - \lambda_k^{N-1} + h) + b_k (h\lambda_k^N - \lambda_k + 1 - h) \right]:$$

бунда a_k, b_k маълум катталиклар, λ_k лар 2 – теоремада берилган.

$m=3n$ ва $m=3n+1$ ($n=1,2,\dots$) ҳоллар учун ҳам шунга ўхшаш натижалар олинган.

ХУЛОСА

Диссертация ишида $K_2^{\overline{m,m-2}}$ фазосида интегралларни тақрибий ҳисоблаш учун Сард маъносида оптимал квадратур формулалар қурилган.

Изланишнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат.

1. $K_2^{\overline{m,m-2}}$ гильберт фазосида, чизикли узлуксиз функционалнинг умумий кўриниши ҳақидаги Рисс теоремасидан фойдаланиб, аниқ интегрални тақрибий ҳисоблаш учун квадратур формулалар хатолик функционалининг экстремал функцияси топилган.
2. $K_2^{\overline{m,m-2}}$ фазосида, экстремал функцияни қўллаб, квадратур формулалар хатолик функционали нормасининг квадрати учун ифода олинган.
3. Лагранжнинг аниқмас коэффицентлар методидан фойдаланиб Сард маъносида оптимал квадратур формулалар коэффицентлари учун чизикли алгебраик тенгламалар системаси олинган.
4. $K_2^{\overline{m,m-2}}$ фазосида алгебраик, тригонометрик кўпхадларга ва экспоненциал функцияларга аниқ бўлган оптимал квадратур формулалар коэффицентлари учун чизикли тенгламалар системаси ечими мавжуд ва ягоналиги исботланган.
5. Олинган тенгламалар системасининг ечими $K_2^{\overline{m,m-2}}$ фазосидаги оптимал квадратур формулалар хатолик функционали нормасининг квадратиға минимум бериши кўрсатилган.
6. Оптимал коэффицентларни топишнинг $\frac{d^{2m}}{dx^{2m}} + \frac{d^{2m-2}}{dx^{2m-2}} + \frac{d^{2m-4}}{dx^{2m-4}}$ дифференциал оператор дискрет аналогларига асосланган алгоритми ишлаб чиқилган.
7. $\frac{d^{2m}}{dx^{2m}} + \frac{d^{2m-2}}{dx^{2m-2}} + \frac{d^{2m-4}}{dx^{2m-4}}$ дифференциал операторнинг дискрет аналолари қурилган ва уларнинг баъзи хоссалари исботланган.
8. $K_2^{\overline{m,m-2}}$ фазосида алгебраик, тригонометрик кўпхадларга ва экспоненциал функцияларга аниқ бўлган оптимал квадратур формулалар коэффицентлари учун ошкор формулалар топилган.
9. $K_2^{\overline{2,0}}$ фазосида оптимал квадратур формулалар хатолик функционалининг нормаси ҳисобланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc27.06.2017/FM.01.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**ИНСТИТУТ МАТЕМАТИКИ И
ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ
ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО ТРАНСПОРТА**

АЗАМОВ СИРОЖ СОБИРОВИЧ

**МИНИМИЗАЦИЯ НОРМЫ ФУНКЦИОНАЛА ПОГРЕШНОСТИ
ФОРМУЛЫ ПРИБЛИЖЁННОГО ИНТЕГРИРОВАНИЯ В
ПРОСТРАНСТВЕ $K_2^{\overline{m,m-2}}$**

01.01.03 – Вычислительная и дискретная математика

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ-2018

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.1.PhD/FM162.

Диссертация выполнена в Институте математики им. В.И.Романовского АН РУз и в Ташкентском институте инженеров железнодорожного транспорта.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (<http://ik-fizmat.nuu.uz/>) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz)

Научный руководитель:	Шадиметов Холматвай Махкамбаевич доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Алоев Рахматилло Джураевич доктор физико-математических наук, профессор Раимова Гулнора Мирвалиевна доктор физико-математических наук
Ведущая организация:	Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc27.06.2017/FM.01.02 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871)227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №___). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.
(протокол рассылки №___ от «___» _____ 2018 года).

А.Р. Марахимов
Председатель Научного совета по присуждению
научных степеней, д.т.н., профессор

З.Р. Рахмонов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
научных степеней, д.ф.-м.н.

З.Х. Юлдашев
Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению научных степеней,
д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Проблемы математической физики, возникающие в результате многих научно-прикладных исследований, проводимых на мировом уровне, приводят к задачам теории интегральных и дифференциальных уравнений. Методы, применяемые при приближенном решении этих задач, являются объектом исследования области вычислительной математики. При создании таких методов основой служит теория квадратурных и кубатурных формул. При больших численных расчетах очень важно оптимизировать процесс приближенного вычисления интеграла, а если вычисление производится с помощью квадратурных и кубатурных формул, то оптимизировать и сами формулы. Поэтому задача оптимизации квадратурных и кубатурных формул, а также отыскание минимума нормы функционала погрешности этих формул является одной из важных задач.

В настоящее время в мире одной из важнейших задач вычислительной математики является построение оптимальных квадратурных формул в различных пространствах дифференцируемых функций для приближенного вычисления интегралов. Следует отметить, что эта задача имеет тесную связь с приближенно-аналитическими решениями дифференциальных и интегральных уравнений, она имеет важное значение в теории численного интегрирования. В этом направлении: построение асимптотически оптимальных, оптимальных по порядку и оптимальных квадратурных формул для приближенного вычисления интегралов, а также оценки их погрешностей в различных гильбертовых и банаховых пространствах считаются целевыми научными исследованиями.

В нашей стране большое внимание уделяется актуальным направлениям вычислительной математики, имеющим фундаментальное и прикладное применения. В частности, значительные результаты были достигнуты по построению оптимальных квадратурных и кубатурных формул и оценке их погрешностей в различных пространствах, по построению инвариантных, решетчатых оптимальных кубатурных формул для приближенного вычисления регулярных и сингулярных интегралов в пространствах Соболева одной и многих переменных, периодических и непериодических функций. Проведение научных исследований по приоритетным направлениям математических наук на уровне международных стандартов по «функциональному анализу, математической физике, теории динамических систем, прикладной и вычислительной математике» является одной из основных задач². Развитие теории оптимальных квадратурных формул для приближенного вычисления интегралов и оценка их погрешностей в различных пространствах дифференцируемых функций играют важную роль в исполнении постановления.

² Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 мая 2017 года №292 «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений Академии наук Республики Узбекистан»

